



New Day in Medicine
Новый День в Медицине

NDM



TIBBIYOTDA YANGI KUN

Ilmiy referativ, marifiy-ma'naviy jurnal



AVICENNA-MED.UZ



ISSN 2181-712X.
EiSSN 2181-2187

5 (79) 2025

Сопредседатели редакционной коллегии:

**Ш. Ж. ТЕШАЕВ,
А. Ш. РЕВИШВИЛИ**

Ред. коллегия:

М.И. АБДУЛЛАЕВ
А.А. АБДУМАЖИДОВ
Р.Б. АБДУЛЛАЕВ
Л.М. АБДУЛЛАЕВА
А.Ш. АБДУМАЖИДОВ
М.А. АБДУЛЛАЕВА
Х.А. АБДУМАДЖИДОВ
Б.З. АБДУСАМАТОВ
М.М. АКБАРОВ
Х.А. АКИЛОВ
М.М. АЛИЕВ
С.Ж. АМИНОВ
Ш.Э. АМОНОВ
Ш.М. АХМЕДОВ
Ю.М. АХМЕДОВ
С.М. АХМЕДОВА
Т.А. АСКАРОВ
М.А. АРТИКОВА
Ж.Б. БЕКНАЗАРОВ (главный редактор)
Е.А. БЕРДИЕВ
Б.Т. БУЗРУКОВ
Р.К. ДАДАБАЕВА
М.Н. ДАМИНОВА
К.А. ДЕХКОНОВ
Э.С. ДЖУМАБАЕВ
А.А. ДЖАЛИЛОВ
Н.Н. ЗОЛотова
А.Ш. ИНОЯТОВ
С. ИНДАМИНОВ
А.И. ИСКАНДАРОВ
А.С. ИЛЪЯСОВ
Э.Э. КОБИЛОВ
А.М. МАННАНОВ
Д.М. МУСАЕВА
Т.С. МУСАЕВ
М.Р. МИРЗОЕВА
Ф.Г. НАЗИРОВ
Н.А. НУРАЛИЕВА
Ф.С. ОРИПОВ
Б.Т. РАХИМОВ
Х.А. РАСУЛОВ
Ш.И. РУЗИЕВ
С.А. РУЗИБОВЕВ
С.А.ГАФФОРОВ
С.Т. ШАТМАНОВ (Кыргызстан)
Ж.Б. САТТАРОВ
Б.Б. САФОВЕВ (отв. редактор)
И.А. САТИВАЛДИЕВА
Ш.Т. САЛИМОВ
Д.И. ТУКСАНОВА
М.М. ТАДЖИЕВ
А.Ж. ХАМРАЕВ
Д.А. ХАСАНОВА
Б.З. ХАМДАМОВ
А.М. ШАМСИЕВ
А.К. ШАДМАНОВ
Н.Ж. ЭРМАТОВ
Б.Б. ЕРГАШЕВ
Н.Ш. ЕРГАШЕВ
И.Р. ЮЛДАШЕВ
Д.Х. ЮЛДАШЕВА
А.С. ЮСУПОВ
Ш.Ш. ЯРИКУЛОВ
М.Ш. ХАКИМОВ
Д.О. ИВАНОВ (Россия)
К.А. ЕГЕЗАРЯН (Россия)
DONG JINCHENG (Китай)
КУЗАКОВ В.Е. (Россия)
Я. МЕЙЕРНИК (Словакия)
В.А. МИТИШ (Россия)
В.И. ПРИМАКОВ (Беларусь)
О.В. ПЕШИКОВ (Россия)
А.А. ПОТАПОВ (Россия)
А.А. ТЕПЛОВ (Россия)
Т.Ш. ШАРМАНОВ (Казахстан)
А.А. ЩЕГОЛОВ (Россия)
С.Н. ГУСЕЙНОВА (Азербайджан)
Prof. Dr. KURBANHAN MUSLUMOV(Azerbaijan)
Prof. Dr. DENIZ UYAK (Germany)

ТИББИЁТДА ЯНГИ КУН НОВЫЙ ДЕНЬ В МЕДИЦИНЕ NEW DAY IN MEDICINE

*Илмий-рефератив, маънавий-маърифий журнал
Научно-реферативный,
духовно-просветительский журнал*

УЧРЕДИТЕЛИ:

**БУХАРСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ
МЕДИЦИНСКИЙ ИНСТИТУТ
ООО «ТИББИЁТДА ЯНГИ КУН»**

Национальный медицинский
исследовательский центр хирургии имени
А.В. Вишневского является генеральным
научно-практическим
консультантом редакции

Журнал был включен в список журнальных
изданий, рецензируемых Высшей
Аттестационной Комиссией
Республики Узбекистан
(Протокол № 201/03 от 30.12.2013 г.)

РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ:

М.М. АБДУРАХМАНОВ (Бухара)
Г.Ж. ЖАРЫЛКАСЫНОВА (Бухара)
А.Ш. ИНОЯТОВ (Ташкент)
Г.А. ИХТИЁРОВА (Бухара)
Ш.И. КАРИМОВ (Ташкент)
У.К. КАЮМОВ (Тошкент)
Ш.И. НАВРУЗОВА (Бухара)
А.А. НОСИРОВ (Ташкент)
А.Р. ОБЛОКУЛОВ (Бухара)
Б.Т. ОДИЛОВА (Ташкент)
Ш.Т. УРАКОВ (Бухара)

5 (79)

2025

май

www.bsmi.uz

<https://newdaymedicine.com> E:

ndmuz@mail.ru

Тел: +99890 8061882

УДК

ҲАРБӢЙЛАР ОРАСИДА ЭНЕРГЕТИК ИЧИМЛИКЛАР НАТИЖАСИДА КЕЛИБ ЧИҚАДИГАН ТИШ ҚАТТИҚ ТЎҚИМАСИ КАСАЛЛИКЛАРИНИ ЭТИОПАТОГЕНЕТИК ТАСНИФИ

Шарипова Гулнихол Идиевна <https://orcid.org/0009-0009-0825-0534>
Мадмаров Махмуд Маъруфович <https://orcid.org/0009-0002-6580-0765>

Абу али ибн Сино номидаги Бухоро давлат тиббиёт институти Ўзбекистон, Бухоро ш., А.Навоий
кўчаси. 1 Тел: +998 (65) 223-00-50 e-mail: info@bsmi.uz

✓ Резюме

Ушбу мақолада қисқа вақт ичида бир нечта энергетик ичимликлар ичиш заҳарланишга олиб
келиши мумкинлиги, унинг аломатлари орасида ташивиш, уйқусизлик, тахикардия, овқат ҳазм
қилиш бузилиши, титроқ, мушаклар тиртишиши ва безовталиқ кузатилиши келтирилган.
Кофеиннинг юқори дозалари сурункали бош оғригига сабаб бўлиши мумкин. Бундан ташқари,
энергетик ичимликлар таркибида мавжуд бўлган кофеин, таурин ва гуарана бирикмаси мия учун
токсик бўлиши ва асаб ҳужайраларини бузишига сабаб бўлиши келтирилган.

Калит сўзлар: Кофеин, психостимулятор модда, таурин, этиопатогенетик қарашлар,
тромбоцитлар агрегацияси, тахикардия

ЭТИОПАТОГЕНЕТИЧЕСКАЯ КЛАССИФИКАЦИЯ ЗАБОЛЕВАНИЙ ТВЕРДЫХ ТКАНЕЙ ЗУБОВ, ВЫЗВАННЫХ УПОТРЕБЛЕНИЕМ ЭНЕРГЕТИЧЕСКИХ НАПИТКОВ У ВОЕННОСЛУЖАЩИХ

Шарипова Гулнихол Идиевна, Мадмаров Махмуд Маъруфович

Бухарский государственный медицинский институт имени Абу Али ибн Сины, Узбекистан,
г. Бухара, ул. А. Навои. 1 Тел: +998 (65) 223-00-50 e-mail: info@bsmi.uz

✓ Резюме

В статье утверждается, что употребление нескольких энергетических напитков за
короткий промежуток времени может привести к отравлению, симптомами которого
являются беспокойство, бессонница, тахикардия, расстройство желудка, тремор,
подергивание мышц и беспокойство. Высокие дозы кофеина могут вызвать хронические
головные боли. Кроме того, считается, что сочетание кофеина, таурина и гуараны,
содержащихся в энергетических напитках, токсично для мозга и вызывает повреждение
нервных клеток.

Ключевые слова; Кофеин, психостимулирующее вещество, таурин, этиопатогенетические
проявления, агрегация тромбоцитов, тахикардия

ETIOPATHOGENETIC CLASSIFICATION OF DENTAL HARD TISSUE DISEASES CAUSED BY ENERGY DRINKS AMONG MILITARY

Sharipova Gulnixol Idiyevna, Madmarov Maxmud Ma'rufovich

Bukhara State Medical Institute named after Abu Ali ibn Sina, Uzbekistan, Bukhara, st. A. Navoi. 1 Tel:
+998 (65) 223-00-50 e-mail: info@bsmi.uz

✓ Resume

This article states that drinking several energy drinks in a short period can lead to poisoning, symptoms of
which include anxiety, insomnia, tachycardia, digestive disorders, tremors, muscle twitching, and restlessness.
High doses of caffeine can cause chronic headaches. In addition, it is stated that the combination of caffeine,
taurine, and guarana found in energy drinks is toxic to the brain and can cause damage to nerve cells

Keywords: Caffeine, psychostimulant substance, taurine, etiopathogenetic views, platelet aggregation,
tachycardia

Долзарблги

Энергетик ичимликлар организмга ўзининг кўп қиррали таъсири билан ажралиб туради. Энергетик ичимликларнинг таъсири натижасида юзага келадиган стоматологик касалликлар кенг тарқалганлиги, ташхислаш ва даволашда мураккаблиги билан алоҳида ўрин эгаллайди [3].

Адабиёт манбаларида ўтказилган таҳлил, энергетик ичимликлар натижасида оғиз бўшлиғи касалликларининг таъсири, стоматологик касалликларни даволаш ва уларнинг олдини олиш масалалари ўрганилганлигини кўрсатди. Мазкур муаммони ўрганишга бағишланган қатор илмий-тадқиқот ишларининг ўтказилиши, энергетик ичимликлар натижасида беморларда келиб чиқадиган касалликларнинг таъсирини ва касаллик асоратларини анъанавий даволаш усулининг мукаммал эмаслигидан гувоҳлик қилади[2,3].

Жаҳон миқёсида энергетик ичимликлар натижасида юзага келадиган, стоматологик касалликларни даволашни такомиллаштиришга қаратилган илмий-тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бунда замонавий стоматологияда оғиз бўшлиғи касалликлари билан боғлиқ, энергетик ичимликлар натижасида ривожланадиган касалликларнинг ўзига хос кечишини клиник-функционал хусусиятларини аниқлаш; комплекс даволаш жараёнида стоматологик ва физиотерапевтик чораларнинг ўрнини баҳолаш; беморларнинг соматик ҳолатини эътиборга олувчи комплекс босқичма-босқич ёндашув режасини ишлаб чиқиш; энергетик ичимликлар натижасида юзага келадиган оғиз бўшлиғи органларининг иш фаолияти бузилишига асосланган даволаш профилактика усулларини таклиф этиш; даволаш самарадорлигини баҳолаш усулларини ишлаб чиқишни такомиллаштириш алоҳида аҳамият касб этади[1,5].

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш ва уни жаҳон талабларига тенглаштириш борасида мақсадли ва амалий тадбирлар амалга оширилмоқда, оғиз бўшлиғи шиллиқ қавати касалликларини олдини олиш, эрта ташхислаш ва комплекс даволашнинг самарадор усулларини ишлаб чиқиш бўйича чора-тадбирлар бажарилмоқда. Бу борада тиббий ёрдамнинг самарадорлиги, сифати ва оммабоплигини ошириш, шунингдек, тиббий стандартлаштириш тизимини шакллантириш, ташхис қўйиш ва даволашнинг юқори технологик усулларини жорий этиш каби вазифалар белгиланган. Ушбу вазифалар энергетик ичимликлар натижасида келиб чиқадиган тиш қаттиқ тўқимаси касалликлари даво-профилактикасини такомиллаштириш амалиётини амалга ошириш долзарб илмий йўналишлардан бири бўлиб ҳисобланади.

Тадқиқот мақсади: Ҳарбийлар орасида энергетик ичимликлар натижасида келиб чиқадиган тиш қаттиқ тўқимаси касалликларини этиопатогенетик асосланган ҳолатда аниқлаш, эрта ташхислаш ҳамда профилактикасига қаратилган замонавий ёндашувларни такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари: ёшларда энергетик ичимликлар натижасида организмдаги ассимиляция жараёни ўзгаришларининг оғиз бўшлиғи касалликлари шаклланиши билан боғлиқлигини ўрганиш;

Энергетик ичимликлар натижасида тиш қаттиқ тўқимасининг гисто-морфологик ўрганиш орқали тиш қаттиқ тўқимаси касалликнинг авж олишини аниқлаш;

Тиш қаттиқ тўқимаси касалликлари мавжуд ёшларда асосий касаллик фонининг авж олишида оғиз суюқлигининг аҳамиятини аниқлаш;

Энергетик ичимликлар натижасида юзага келадиган тиш қаттиқ тўқимаси касалликларини олдини олишнинг янги усулини ишлаб чиқиш ва самарадорлигини баҳолаш;

Тадқиқотнинг предмети сифатида жароҳатланган соҳа тиш қаттиқ тўқимасидан олинган тадқиқот материали, оғиз суюқлиги, сўровнома натижалари ташкил этган.

Тадқиқотнинг усуллари. Қуйидаги тадқиқот усулларидадан фойдаланилади:

- клиник усуллар (текширилаётган беморларда стоматологик ҳолатни баҳолаш; КПУ, кп.);

клиник-функционал: J.C.Green – J.R. Vermilion бўйича оғиз бўшлиғида гигиена ҳолати; РМА - папиляр-маргинал;

Клиник-лаборатор: ССС - (Матвеева В.У., Рединовой Т.Л., 1996) усули бўйича сўлакнинг секрецияланиш тезлигини аниқлаш;

- Гисто-морфологик текшириш усули

- Статистик усул

Энергетик ичимликлар меъёрдан ортиқ ва сурункали истеъмол қилинса, бош мия, марказий нерв тизими, бўғимлар ва бошқа аъзоларга жиддий зиён етади. Таркибидаги кофеин — психостимулятор модда. У вақтинчалик тетиклик ҳиссини бағишлаб, чарчокни аритиши, ақлий фаолиятни кучайтириши мумкин, аммо маълум бир вақтдан сўнг, масалан, 1 – 1,5 соат ўтгач, инсон организмда ҳорғинлик баттар кучаяди, бош оғриғи пайдо бўлади ва нафақат ақлий, балки жисмоний фаолият ҳам сусаяди. Бундай маҳсулотларни тез-тез истеъмол қилувчиларда кейинчалик бўғимларда оғриқлар пайдо бўла бошлайди ва маълум бир асоратларга олиб келади. Ўсмирлар ва болалар учун ҳафта мобайнида кофеин истеъмолини 60 мг.дан оширмаслик керак[2,6].

Материал ва усуллар

Энергетик ичимликлар меъёридан ортиқ истеъмол қилинганда қонда глюкоза миқдори кўпайиб кетади. Шакарнинг ортиқча қисми ёғга айланади ва инсулин организмда кўпайиб, қандли диабетга олиб келади. Энг ёмони, одам бу ичимликка беихтиёр боғланиб қолади. Қолаверса, энергетикларни кўп истеъмол қилиш инсон танасидаги хужайра ва тўқималарга жиддий зарар етказиб, жигар, юрак қон-томир касалликларига олиб келади[3,4].

Юқори концентрацияланган қувватбахш ичимликлар таркибидаги таурин – энергетик жараёни жадаллаштирувчи ва нерв тизимини ривожлантирувчи модда. Унинг инсон организми учун суткалик меъёри – 400 мг. Айрим энергетиклар таркибида эса бу модда 2 баробаргача ошиқ бўлади ва ўсмирлар соғлиғига салбий таъсир кўрсатади.

Қолаверса, энергетик ичимликлар асаб тизимини ишдан чиқаради. Руҳий касалликларга чалиниш хавфи ортади, одамларда тажовузкорлик кучаяди. Болаларнинг зехни ўтмаслашиб, дарсларни ўзлаштириши пасайиб кетиши, ногирон, ақли заиф фарзандлар туғилиши айтиш шундай иллатларнинг ҳам асорати, десак хато бўлмайди. Энергетик ичимликлар юракдаги QT интервали (юракнинг электрик систоласи)ни ўртача 2 соатда 10 миллисонияга оширади. Агар миллисонияларда ўлчанадиган ушбу вақт ораллиғи ҳаддан ташқари узун ёки калта бўлса, юрак урушида жиддий ўзгаришлар юз беради. Бу эса ҳаёт учун хавфли бўлган аритмияга олиб келиши мумкин[1,3].

Энергетик ичимликларнинг 150 дан ортиқ турлари учрайди. Энергетик ичимликлар организмга ўзининг кўп қиррали таъсири билан ажралиб туради. Энергетик ичимликларнинг таъсири натижасида юзага келадиган стоматологик касалликлар кенг тарқалганлиги, ташхислаш ва даволашда мураккаблиги билан алоҳида ўрин эгаллайди. Илмий манбаларда сўнгги йигирма йил давомида ўтказилган тадқиқотлар энергетик ичимликлар натижасида юзага келадиган, оғиз бўшлиғи касалликлари 32% гача, турли синдромлар билан бирга эса бу касалликлар 47,5% гача кузатилиши қайд этилган. Шу билан бирга энергетик ичимликлар натижасида келиб чиқадиган, тиш қаттиқ тўқимаси касалликларининг устунлик қилиши ҳамда 36,2% дан 43,1% гача кузатилиши патологиянинг кўп тарқалганлигидан гувоҳлик қилади. Бу ҳолат, касалликларнинг бошланғич босқичларининг аниқ белгиларсиз кечиши, ҳам клиник, ҳам лаборатор текширувларда ўзгаришлар тўғрисида етарлича маълумотлар олиш имкониятининг йўқлиги ҳамда мутахассислар орасида ягона этиопатогенетик қарашлар йўқлиги билан тушунтирилади. Бу эса муаммонинг даволаш ва олдини олиш усуллари тақомиллаштириш заруратини кўрсатмоқда[1,3,4].

Натижа ва таҳлиллар

Тетиклантирувчи ичимликлар ҳатто ёшларга ҳам зарар етказиши мумкин. Масалан, 14 ва 16 ёшли икки соғлом йигитда атриал фибрилляция ҳолати кузатилган. Ўткир ҳолатлардан ташқари, энергетик ичимликлар ҳам узоқ муддатда юракка зарар етказиши мумкин. Олимлар тетиклантирувчи ичимликларни истеъмол қилиш қон томирлари эндотелиал функциясини камайитириши ва тромбоцитлар агрегациясини рағбатлантириши мумкинлигини аниқлади. Узоқ муддат ичилса, қонда тромб пайдо бўлиш хавфини оширади.

Қисқа вақт ичида бир нечта энергетик ичимликлар ичиш заҳарланишга олиб келиши мумкин. Унинг аломатлари орасида ташвиш, уйқусизлик, тахикардия, овқат ҳазм қилиш бузилиши, титрок, мушаклар тиртишиши ва безовталиқ кузатилади. Кофеиннинг юқори дозалари сурункали бош оғриғига сабаб бўлиши мумкин. Бундан ташқари, энергетик ичимликлар таркибида мавжуд бўлган кофеин, таурин ва гуарана бирикмаси мия учун токсик бўлиши ва асаб хужайраларини

бузиши мумкин. Энергетик ичимликлар, айниқса, ўсмирлар учун хавфлидир. Бир тадқиқот 15-16 ёшдаги ўсмирларда кофеин истеъмол қилиш ва хатти-ҳаракатларнинг бузилиши ўртасида тўғридан тўғри боғлиқлик борлигини кўрсатган.

Энергетик ичимликлар шакарга бой бўлгани сабабли ортиқча истеъмол қилиш семириш ва 2-тоифа диабет хавфини оширади. Худди шу сабабга кўра, тетиклантирувчи ичимликлар ингичка ичкадаги фойдали бактерияларнинг хилма-хиллигини камайтириши мумкин, бу ҳам килограмм ортиши ва метаболлик синдромнинг ривожланиши билан характерланади.

Меъёрадаги энергетик ичимликлар жигарга зарар келтирмайди, лекин агар ҳаддан ташқари ошириб юборилса ёки спиртли ичимлик кўшилса, тананинг асосий филтри бардош бера олмаслиги мумкин. Шифокорлар асосий омил энергетик ичимликлар таркибидаги ва катта дозаларда гепатотоксиситига эга бўлган В3 витаминининг ҳаддан ташқари кўплиги деб ҳисоблайди.

Энергетик ичимликлар кўпинча спорт мусобақаларида ишлатилади, чунки кофеин спортчиларнинг иш фаолиятини яхшилаши мумкин. Шу билан бирга, бу сийдик ва натрий миқдорини оширади, бу сувсизланиш ва электролитлар етишмовчилигига олиб келиши мумкин. Шунинг учун узок вақт давомида жисмоний фаоллик пайтида, айниқса, иссиқ шароитда энергетик ичимликлар ичмаслик керак. Юқори кислоталилик ва кўп миқдорда шакар туфайли энергетик ичимликлар тиш эмалига ёмон таъсир қилади.

Кофеин миқдори. АҚШ озиқ-овқат ва фармацевтика идораси кунига 400 мг дан ошмаслигини тавсия қилади. Энергия нуқтаи назаридан эса иккитадан ошмаслиги керак, кўп бўлмаган, шунда ҳам бу рациондаги стимуляторнинг ягона манбаи бўлса.

Шакар миқдори. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти шакар умумий калорияларнинг 10% дан, идеал ҳолда эса 5% дан кўп бўлмаслигини тавсия қилади. Кунига ўртача калория миқдори 2000 ккал бўлса, бу мос равишда 50 ва 25 г бўлади.

Хулоса

Хулоса қилиб айтганда, кунига битта энергетик соғлиқ учун нисбатан хавфсиздир, аммо бундай ҳолатда шакар истеъмол қилманг ва бошқа стимуляторлардан воз кечиш муҳим саналади. Ҳарбийлар орасида энергетик ичимликлар натижасида келиб чиқадиган тиш қаттиқ тўқимаси касалликларини олдини олиш чора-тадбирлари муҳим саналади. Психологик мостланувчанликдан воз кечиш-тиш қаттиқ тўқимаси касалликларининг юзага келиш эҳтимолини пасайтиради.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Алсунни АА. Потребление энергетических напитков: полезные и вредные последствия для здоровья // Journal of Health Science. – 2015. – №9. – С. 468-474.
2. Бузалаф МАР, Магальяйнс А.С., Риос Д. Профилактика эрозивного стирания зубов: воздействие на факторы риска, связанные с питанием и состоянием пациента // British Dental Journal. – 2018. – №224. – С. 371–378.
3. Гетман Н.В. Влияние энергетических напитков на состояние зубов и пломб // Современная стоматология. – 2007. – № 4. – С. 68-71.
4. Гетман Н.В. Адгезивные системы. Сообщение 1: Протравливание. Кондиционирование / Н.В. Гетман, А.В. Бутвиловский, О.В. Ядренцева // Современная стоматология. – 2004. – № 4.
5. Салас ММ, Насименто ГГ, Гюисманс МК, Демарко ФФ. Оценка распространенности эрозивного стирания постоянных зубов у детей и подростков: эпидемиологический систематический обзор и метарегрессионный анализ // Джей Дент. – 2015. – №43. – С. 42-50.
6. Электронный научно-образовательный вестник «Здоровье и образование в XXI веке». – 2013. – Т. 15. № 10. – URL: <http://e-pubmed.org/isu15-10.htm1>.

Поступила 20.03.2025